

**Н.Ғ. Каримов,
и.ф.д., проф. ТДИУ,
Р.Б. Султанов,
АТ Халқ банки Кредит департаменти бўлим бошлиғи**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

В статье рассмотрены мероприятия, направленные на поощрение инвестиционной деятельности в стране за последние годы. А также, на основе практических сведений всесторонне освещена роль инвестиций в развитии отраслей экономики.

The article deals with measures aimed at encouraging investment in the country in recent years. And also, on the basis of practical information comprehensively illuminated the role of investment in the development of industries.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион жозибодорлик, инвестицион кредитлар, хорижий инвестициялар, асосий капиталга инвестициялар


Иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгартириш шароитида оқилона ишлаб чиқилган инвестицион сиёсат ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли инвестиция дастурларининг амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мазкур жараёнларда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш борасидаги устувор халқаро тажрибаларга ҳам таянилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил ва қатъийятлик билан кириб бораётганлиги мамлакат олдида инвестицион имкониятлардан фаол тарзда фойдаланиш, мазкур жараёнларда тижорат банкларининг фаол иштирокини таъминлаш каби долзарб ва устувор вазифаларни кўяди.

Ўзбекистоннинг бугунги кунда йирик хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига кириши учун барча иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асос ҳамда шарт-шароитлар яратилган. Ушбу яратилган шарт-шароитлар мамлакатимизнинг инвестицион жозибодорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “2015-йилда амалга оширилган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди...”.[1]

Инвестицион жозибодорликни ошириш хусусида сўз кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга

ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” қабул қилинган Фармони, энг аввало, хусусий мулкни хуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради[2].

Тижорат банклари инвестиция фаолиятининг мақсади ҳам банклар маблағлари ҳисобидан соҳалар инвестиция эҳтиёжларини молиялаш ҳажмини кўпайтириш ва бунинг эвазига Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга, мамлакатни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга кўмаклашишга қаратилгандир. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг инвестицион ресурсларни жалб қилиш амалиёти натижасида шакллантирилган маблағлар инвестицион кредитлар сифатида устувор равишда “2016 йилги Инвестиция дастури” ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилди. Бунинг натижасида, 2015 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 10,2 трлн. сўм инвестицион кредитлар ажратилди (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг жами инвестицион кредитлари ҳажми

Манба: <https://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти маълумотлари.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, тижорат банкларининг инвестицион кредитлар ҳажми сўнгги уч йилда ҳар йилига ўтган йилларга нисбатан 18-20 фоизга ўсган. Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигининг ошиши натижасида, асосий капиталга киритилган инвестициялар

ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлари ҳажмида ҳам кескин ижобий ўсиш кузатилмоқда (1-жадвалга қаранг). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг ўсиши аҳоли фаровонлигини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	Йиллар				2015 йил 2000 йилга нисбатан, марга
	2000	2005	2010	2015	
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	744,5	3165,2	15339	40737	54,7
Хорижий инвестиция ва кредитлар	172,4	687	4340,8	8182,7	47,5
Ялпи ички маҳсулот	3255,6	15923,4	62388,3	171369	52,9
Пировард истеъмол	2623,7	15923,4	40436,4	104878	40,0
Аҳоли жон бошига ЯИМ	132,1	608,5	2184,3	5475,1	41,5
Саноат маҳсулотлари	1888,9	11028,6	34499	91705,3	48,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	1387,2	5978	16775	42280	30,4

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган


Давлат мулкнинг иқтисодиётдаги салмоғи камайиб, хусусий секторнинг ўрни ва ролини ошириб бориши натижасида чет эл инвесторларида республикамиз иқтисодиёти тармоқларига, шу жумладан саноат соҳасига сармоя киритиш борасидаги қизиқиш ортиб бормоқда. Бироқ, имкониятлар чегараланган бўлсада, мамлакатдаги мавжуд инвестицион муҳит ички ва хорижий хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар қандай шароитда ҳам бўш турган пул маблағларини тижорат банклари орқали инвестицион фаолиятга жалб этиб, ундан даромад олишни кафолатламоғи лозим.

2015 йилда фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши туфайли молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 40 трлн. 737,3 млрд. сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилди ва бу 2014 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашмаган манбалар улуши 78,2 фоизни ташкил этиб, шундан 30,9 фоизи хўжалик субъектларининг ўзлик маблағлари ҳисобига тўғри келди. Хусусан, 2015 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми 12607,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 8,5 фоизга ўсди.

Инвестициялаш тадбирлари хусусида сўз кетганда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бу борадаги фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2015 йил давомида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 13 та инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштиришга йўналтирилган маблағлари 495,77

млн. АҚШ долл.ни ташкил этди. Шу билан бирга жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми аввал ажратилган маблағларни қўшиб ҳисоблаганда, 728,6 млн. АҚШ долл.ни ташкил этди ва бу 2014 йилга нисбатан 33,6 фоизга кўпдир.

Ушбу амалга оширилган ишлар натижасида инвестиция қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши ҳам сўнгги уч йилда 2 фоиздан кўпроқ ошганлигини кўришимиз мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. 2012-2015 йилларда асосий капиталга киритилган инвестиция қўйилмалари ва унинг ЯИМдаги улуши

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени. 2015 йил январь-декабрь. Center for Economic Research., JICA. 6-б.

Фаол инвестиция сиёсати ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида, 3185,5 млн. АҚШ долл. (жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 20,1 фоизи) миқдоридаги чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш имконини берди, бу эса ўтган йилга нисбатан 9,1 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари 2442,1 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 5,7 фоизга ўсди. Инвестицияга йўналтирилган аҳоли маблағлари 9,9 фоизга ортиб, умумий капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 21,1 фоизни ташкил этди, бу эса уларнинг юқори инвестиция фаоллигидан далолат беради.


Инвестициялар ҳажми ўсишининг фойдаланиш йўналишлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича динамикасини таҳлил этадиган бўлсак, 2015 йилда инвестициялар умумий ҳажмининг 65,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

2015 йилда йўналтирилган инвестицияларни 2014 йилга нисбатан таққосласак, қурилиш соҳаси 1,9 марта, кимё соҳаси 1,8 марта, машинасозлик 136,5 фоизга, енгил саноат 121,7 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш 121,3 фоизга ва ёқилғи-энергетика тармоғи 120,5 фоизга ўсди.

Чет эл инвестицияларининг тармоқлар бўйича таркибида енгил саноатнинг улуши 2014 йилги 1,3 фоиздан 2015 йилда 2,6 фоизга, кимё ва нефть-кимё соҳасининг улуши эса, 0,8 фоиздан 1,4 фоизга, шунингдек, коммунал хўжалик соҳасининг улуши ҳам 4,0 фоиздан 6,1 фоизга ўсди.

Бизга маълумки, ICOR (Incremental Capital Output Ratio) коэффиценти ўтган йилги ялпи инвестицияларни (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати билан аниқланади. Ушбу кўрсаткич орқали ривожланган давлатларда амалга оширилган инвестицияларнинг давлатнинг иқтисодий ривожланишига таъсири баҳолашиб борилади.[3]

Мамлакатимизда ушбу кўрсаткич сўнгги йилларда барқарор тенденцияга эга бўлмоқда (3-расм).



3-расм. 2012-2015 йилларда ЯИМни ўсишига инвестицияларнинг кўшган улуши ва ЯИМ ўсишининг капиталга боғлиқлиги

Манба: Ўзбекистон иқтисодийёт ахборот-таҳлилий бюллетени. 2015 йил январь-декабрь. Center for Economic Research., JICA. 8-б.

3-расм маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг яратувчанлиги сифатида эътироф этиладиган ICOR коэффиценти мамлакатимиздаги даражаси белгиланган параметрлар доирасидадир. Хусусан, 2015 йилда Ўзбекистонга киритилган ҳар 2,8 сўм инвестиция кўшимча 1 сўм ЯИМнинг ўсишини таъминлаган. Бинобарин, халқаро амалиётда мазкур кўрсаткич 2,5-4,5 коэффицент оралиғида ижобий ҳолат сифатида баҳоланади.

Шу ўринда, ҳозирда мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни яратиш ҳамда инвестицион фаолликни ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора ва тадбирлар баробарида баъзи камчиликлар ҳам мавжудлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Жумладан:

- ✓ мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг узоқ муддатли яъни, барқарор ресурс базасининг ҳудудлар кесимида нотекис тақсимланганлиги ҳамда ушбу муаммони бартараф этишга қаратилган чора ва тадбирлар ижросини тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;

✓ мамлакатнинг баъзи ҳудудларида қулай инвестицион муҳитни шакллантиришга хизмат қилувчи инфратузилманинг яхши эмаслиги ва натижада банк инвестицияларининг салмоқли қисмини шаҳарлар ва вилоят марказларига йўналтирилаётганлиги;

✓ ҳудудларда маҳсулотларни қайта ишловчи мавжуд корхоналар сонининг камлиги сабабли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сустлиги.

Умуман олганда, истиқболда республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш орқали тармоқларни индивидуал ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

➤ янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса, сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

➤ янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга хорижий илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

➤ жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга хорижий валюталар кириб келишининг жадаллашуви таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги, транспорт тармоғининг ривожланганлиги, табиий ресурсларнинг кўплиги, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада тараққий этганлиги, малакали кадрларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби омиллар инвесторларга мамлакатимиз келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи 17.01.2016й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. / Тошкент – 2016 йил 5 октябрь.

3. Болтабаев М.Р. Ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашда тижорат банкларининг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш истиқболлари. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент. ТДИУ 2015 й. 10-б.